

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЎРИНБОЕВ ДАВЛАТЖОН БАХТИЁРОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФАДА СТРАТЕГЕМАЛАР НАЗАРИЯСИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
(ижтимоий-фалсафий таҳлил)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Ўринбоев Давлатжон Бахтиёрович

Замонавий фалсафада стратегемалар назариясининг Ўзбекистондаги
ўзига хос хусусиятлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил) 3

Уринбоев Давлатжон Бахтиёрович

Своеобразные особенности в современной философии теории
стратегем в Узбекистане (социально-философский анализ) 23

Urinboev Davlatjon Bakhtiyorovich

The originality of the theory of stratagems in modern
philosophy in Uzbekistan (socio-philosophical analysis)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЎРИНБОЕВ ДАВЛАТЖОН БАХТИЁРОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФАДА СТРАТЕГЕМАЛАР НАЗАРИЯСИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
(ижтимоий-фалсафий таҳлил)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Fal226 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Назаров Қиёмиддин Нормирзаевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Айматов Аминжон Қудратович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Қабулов Қосимбой Пиржонович
фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари ҳаётининг бугунги босқичида жамият ва давлатни ривожлантириш учун муайян стратегия ва тараққиёт тамойилларини белгилаш, бу борада режа ва дастурлар тузиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, дунёнинг кўпгина давлат раҳбарлари ва сиёсатчилари ўз раҳбарлик ва ташкилотчилик фаолиятида стратегема фалсафаси усуллари ва тамойилларини қўллашга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Шу сабабдан, бугунги кунда бутун дунё стратегемалар назариясининг жамият, давлат ва шахс тараққиёти учун муҳим қонунлари ва парадигмал аҳамияти билан боғлиқ жараёнларни очиб бериш заруриятини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон илм-фани шуни кўрсатадики, замонавий фалсафий тадқиқотлар тизимида стратегемалар назариясининг ижтимоий-фалсафий ва назарий-методологик асослари, умумбашарий қонуниятлари ва миллий хусусиятлари, парадигмал ва функционал жиҳатларини тадқиқ қилиш долзарб вазифалардан биридир. Бу эса, халқлар ва давлатлар тақдирида муҳим бўлган ўзгаришлар, ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишларнинг мақсад-муддаолари ва пировард натижаларини тўғри тасаввур қилиш учун зарур бўлган стратегик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда табиий эҳтиёжга айланганини яққол кўрсатади. Ана шу сабабга кўра, жаҳон ҳамжамияти тараққиётини белгилайдиган ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш йўлларини аниқлаш, уларнинг конструктив ечимларини топишда стратегемалар назариясининг назарий-методологик асослари, миллий хусусиятлари ва функционал жиҳатларини фалсафий тадқиқ этишга бўлган зарурат янада ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда мустақилликни янада мустаҳкамлаш, жамиятимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва келажакни илмий ўрганишнинг стратегик механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. “Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга ошириб, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз. Улардан кўзланган мақсад - “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат”¹. Шу нуқтаи назардан, бу борадаги тажрибаларни умумлаштириш ва мавжуд муаммоларни аниқлашда стратегемалар назариясининг Ўзбекистондаги ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий тараққиётга таъсир этиш қонуният ва механизмларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон

¹ Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883).

“Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” фармонлари ва 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси бўйича замонавий хориж фалсафасида Швейцариялик олим Харро фон Зенгер¹ ҳамда инглиз файласуфи Роберт Грин² каби тадқиқотчи олимларнинг стратегемаларга оид тадқиқотлари шу соҳадаги илк йирик ва машҳур асарлар ҳисобланади.

Кейинги йилларда олимлар, хусусан, МДХ давлатлари мутахассислари “Стратегология” фани ҳақида гапира бошладилар ва айнан ана шу асарларни бу борадаги дастлабки илмий адабиётлар сифатида эътироф этмоқдалар, Л.С.Васильев, В.С.Мясников³, Г.Альмонд, С.Алфорд, Р.Арон, З.Бжезинский, П.Нейлор, П.Рейнольдс, С.Хантингтон ва бошқаларнинг изланишлари ва асарларида ҳам стратегияларнинг илмий, амалий ва фалсафий хусусиятлари ҳамда баъзи жиҳатлари муайян даражада тадқиқ этилган ва улар бизнинг мавзуимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда, мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўли ва ислохотлар стратегияси, унинг ривожланиш босқичлари тўғрисидаги йўналишларда А.Муминов, Б.Тўраев, И.Эргашев, М.Шарифхўжаев, С.Отамуродов, Т.Алимардонов, Т.Жўраев, Ф.Мусаев, Ҳ.Шайхова, Х.Одилқориев, Қ.Назаров, Ш.Қаҳҳорова, Ш.Пахрутдинов, Ў.Абилов каби олимлар салмоқли илмий тадқиқотлар олиб бораётганини қайд этиш лозим.

¹ Харро фон Зенгер. Стратегемы. О китайском искусстве жить и выживать. Знаменитые 36 стратегем за три тысячелетия. - М.: Прогресс, Культура. 1995;

Зенгер Х. фон. Стратегемы. О китайском искусстве жить и выживать. ТТ. 1, 2. — М: Изд-во “Эксмо”, 2004; Кайхан Криппендорф. 36 стратегем в эпоху конкуренций. - С-Пб, 2005

² Грин Р. Ўзгармас моҳият. Таржимон Ж.Сафоев. –Т.: “Ўзбекистон”, 2013; Грин Р. Ҳокимиятнинг 48 қонуни. Таржимон Ж.Сафоев. –Т.: “Баёз” 2017.

³ Мясников В. С. Традиционная китайская дипломатия и реализация Цинской империей стратегических планов в отношении Русского государства в XVII веке. - М., 1977. Альмонд Г. Сравнительная политология: концепция развития. - Москва, 1997

Шу билан бирга, профессор В.Алимасовнинг¹ “Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати” китобидан жой олган “Стратегема – фикрлаш ва энгиш илми” номли мақоласи, тадқиқотчи Давронбек Қодировнинг² мамлакатимизда бевосита стратегемалар мавзусига бағишланган ниҳоятда кам сонли асарлардан бири бўлган “36 Хитой стратегемаси: ҳарбий ҳийлалар ва иқтисодий муваффақият сирлари” номли рисоласида ҳам бу мавзуга доир баъзи маълумотлар берилган. Моҳир таржимон ва журналист Жалолиддин Сафоевнинг бу борадаги изланишларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳалигача мамлакатимизда бевосита Стратегемалар назариясининг умуминсоний ва миллий жиҳатлари, жумладан, Ўзбекистонга хос хусусиятлари ва замонавий имкониятларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилинган тизимли ва фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Бу соҳада бугунги жамиятимиз ҳаётида стратегемаларнинг ўрни ва таъсирчанлигини таъминлайдиган омиллар ва йўналишлар билан боғлиқ муҳим масалалар алоҳида диссертация мавзуси сифатида махсус ўрганилмаган. Ушбу диссертация мазкур бўшлиқни муайян даражада тўлдиришга хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Кўкон давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2030 йилларга мўлжалланган ТЙ-01-сон “Инновацияларни таълим тизимига жорий этишнинг муаммо ва ечимлари” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида кенг тарқалган Стратегемалар назариясининг мазмун-моҳияти, унинг бугунги Ўзбекистонда намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари, мамлакатимизда амал қилиш методологияси ва технологияларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Стратегема” ва “Стратегемалар назарияси” тушунчаларининг фалсафий мазмун-моҳияти, умуминсоний, минтақавий ва миллий жиҳатларини очиб бериш;

глобаллашув шароитида стратегемалар назариясининг амалий аҳамияти ва унинг мамлакатимизда жамият, давлат ва шахс тараққиёти учун муҳим бўлган қонунлари ва парадигмаларини илмий таҳлил қилиш;

ҳозирги даврда мамлакатимизни янада ривожлантиришда стратегемаларни муҳим ижтимоий-иқтисодий асос ва амалий фаолият мезони сифатидаги конструктив аҳамиятини илмий асослаш;

¹ Алимасов В. Стратегема – фикрлаш ва энгиш илми // “Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати”. –Т.: “Ношир” 2008;

² Қодиров Д. 36 Хитой стратагемаси: ҳарбий ҳийлалар ва иқтисодий муваффақият сирлари. –Бухоро: БухДУ, 2016; Грин Р. Ўзгармас моҳият. Таржимон Ж.Сафоев. –Т.: “Ўзбекистон” 2013; Грин Р. Ҳокимиятнинг 48 қонуни. Таржимон Ж.Сафоев. –Т.: “Баёз” 2017.

стратегемалар назарияси қонунларининг жамиятимизни ривожлантиришдаги амалий аҳамиятини янада ошириш ва ушбу соҳа учун зарур хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини стратегемалар назариясининг жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида намоён бўлишининг Ўзбекистонга хос жиҳатлари ва амалиёти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети стратегемалар назариясининг мамлакатимизда амал қилиш механизмларини такомиллаштириш вазифалари ва йўналишлари, уларни амалга ошириш усуллари ва воситаларини илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида диалектика, синергетика, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, таққослаш ва умумлаштириш, қиёсий таҳлил каби фалсафий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

стратегемалар назариясининг Ўзбекистонда амал қилиш механизмларини янада такомиллаштириш зарурлиги синергетик парадигманинг мураккаблик ва соддаликнинг бирлиги тамойили асосида далилланган;

ислоҳотларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда жамият ва давлат тараққиёти ҳамда шахс камолоти учун конструктив (мақсадга етакловчи, барқарорлаштирувчи) аҳамиятга эга эканлиги “стратег”, “стратегия” тушунчалари контекстида илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

давлатимиз ва жамиятимиз барқарор тараққиётини стратегик ўсиб боришини таъминлашда кўп жиҳатдан стратегемалар назарияси метод ва технологияларининг горизонтал ва вертикал (турли шакл ва даража) йўналишлар бўйича такомиллашиб боришига боғлиқлиги назарий жиҳатдан исботланган;

“стратегема” ва “стратегемалар назарияси” тушунчаларининг Ўзбекистонда намоён бўлиш қонуниятларини қиёсий таҳлили асосида уларнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти фалсафанинг умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик категориялари ҳамда улар орасидаги алоқадорлик ва боғлиқлик тамойиллари воситасида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларидан давлат органларининг соҳага оид режа ва дастурларини ишлаб чиқишда, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти жараёнида ва фалсафий тадқиқот ишларида фойдаланилган;

Стратегемалар назариясининг Ўзбекистонда намоён бўлиши, унга хос қонуниятларнинг жамиятимиз тараққиёти ҳозирги босқичидаги ўзгаришлар ва янгилашлар, барча соҳалардаги кенг кўламли ислоҳотлар жараёнидаги таъсирчанлиги ва самарасини оширишга доир фикр-мулоҳазалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ва давлатимизнинг энг ривожланган мамлакатлар сафига интеграциялашуви жараёнида Стратегемалар назарияси қонуниятларининг жамиятимиз ҳаётидаги намоён

бўлиш механизмини оптималлаштириш йўллари, усуллари ва воситаларининг самарасини янада оширишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган рисола, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган илмий-назарий хулосалар Стратегемалар назарияси қонуниятларининг Ўзбекистондаги намоён бўлиш хусусиятларини ўрганувчи фанларни янги ёндашувлар, концептуал стратегиялар ва тадқиқот усуллари билан бойитади ҳамда давлат ташкилотлари, турли нодавлат муассасалари, Республика Маънавият тарғибот маркази ва унинг жойлардаги бўлимлари, маънавий-маърифий тарбия бўйича хизматчилар ва мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, педагог ва тарбиячилар ҳам ижодий фойдаланишлари мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, таълим-тарбия тизимида, “Фалсафа”, “Сиёсатшунослик”, “Миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” каби фанлардан стратегемалар назарияси қонуниятларининг Ўзбекистонда амал қилиш механизмини янада такомиллаштириш бўйича маърузалар ўқиш, амалий машғулотлар ташкил этишда, шунингдек, мавзуга оид ўқув қўлланма ва дарсликларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Замонавий фалсафада стратегемалар назариясининг Ўзбекистондаги ўзига хос хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

стратегемалар назарияси қонуниятларининг Ўзбекистонда амал қилиш механизмини янада такомиллаштиришга доир илмий хулосалари, таклиф ва тавсияларидан “Миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” номли дарсликнинг “Миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари” деб номланган I бобини шакллантиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 октябрдаги 89-03-3804-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчи ёшларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

барча соҳалардаги кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш мамлакатимизда жамият ва давлат тараққиёти ҳамда шахс камолоти учун парадигмал хусусиятлари ва конструктив аҳамиятига доир илмий хулосаларидан “Миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” номли дарсликнинг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Харакатлар стратегияси – фаолиятимиз дастури” деб номланган V бобидаги мавзуларни шакллантиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 октябрдаги 89-03-3804-сон маълумотномаси).

Натижада, ўқувчи ёшларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнида мустақилликни янада мустаҳкамлаш, жамиятимизнинг барқарор тараққиётига оид илмий асосланган таклиф ва тавсияларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашишнинг замонавий механизми ва технологияларини яратиш” мавзусидаги ПЗ-20170930369 рақамли амалий грант лойиҳасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Республика Маънавият-маърифат марказининг 2019 йил 19 августдаги 01/015/96-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини фуқаролар қалби ва онига сингдиришга йўналтирилган тарғибот ва ташвиқот ишлари мазмунини оширишга хизмат қилган;

“стратегема” ва “стратегемалар назарияси” каби тушунчаларнинг келиб чиқиши ва бугунги Ўзбекистонда намоён бўлиш қонуниятларини қиёсий таҳлили асосида уларнинг ижтимоий-фалсафий мазмун-моҳияти ҳамда умумметодологик жиҳатларига оид таклиф-тавсияларидан “Жаҳон фалсафаси қомуси”нинг 2-жилдидаги тушунчаларни тавсифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг 2019 йил 4 июлдаги 13-сон маълумотномаси). Натижада, “стратегемалар” тушунчасининг мазмун-моҳияти ва “стратегемалар назарияси”нинг намоён бўлиш хусусиятларини тавсифлаш орқали уларнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва мазмунини, умумметодологик асослари ҳамда ўзига хос жиҳатларини очиб берилиши ва бу борадаги маълумотлар олимлар, тадқиқотчилар ва фалсафа илмига қизиқувчиларнинг фалсафий дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилиниб, синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот матнининг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади

ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузулиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Стратегемалар назарияси ва унинг Ўзбекистонга хос замонавий хусусиятларини ўрганишнинг ижтимоий-фалсафий масалалари” деб номланган биринчи бобида “Стратегемалар” тушунчаси ва “Стратегемалар назарияси”нинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари таҳлил этилиб, замонавий стратегемалар назариясининг намоён бўлишида умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик диалектикаси очиқ берилган.

Илм-фанда стратегемалар назарияси тарихи ҳам Қадимги Хитой мутафаккирлари Лао-цзи, Конфуций, Мэн-цзи ва бошқалар мероси билан боғланади. Гарчанд Хитой тилида “Стратегема” тушунчаси йўқ бўлсада, уни хитойча “цзи” иборасида назарда тутилган мазмун тўғри ифодалайди, деб ҳисобланади. Бу борада Қадимги Хитой мутафаккири Лао-цзи қарашлари асосида шаклланган дао фалсафаси стратегемли фикрлашнинг ёрқин намунасидир. Унга кўра дао инсон туғилганидан сўнгги нафасигача босиб ўтадиган ҳаёт сўқмоғи, умри бўйи излайдиган ва ҳаракатлари натижасида эришиладиган мақсадларга олиб борадиган йўлдир. Ҳар бир киши бу йўлдан борар экан ана шу мақсадларни тўғри белгилаши ва улар томон собитқадамлик билан бориши лозим. Бу йўлда одамзотини йўлидан адаштиришга, ўз йўлига солишга интиладиганлар, чалғитадиганлар бўлиши табиий. Шу нуқтаи назардан, Лао-цзи жамоавий фикрни эмас шахсий интилишни, жамоавийликни эмас индивидуалликни, анъанавийликни эмас янгиланишни, конформизмни эмас шахсий ташаббускорликни эъзозлайди. Стратегема назариясига кўра, ўзининг нимага қодирлигини, ўз ақлу идрокининг имкониятларини англамайдиган шахслар ҳаёт нималигини, умр нима учун берилганини, ўзининг қандай идеалларга интилиши ва уларга қандай эришишни билмайдиган, нодон ва қалтафаҳм кишилардир. Аксарият ҳолларда ана шундай кишилар кўпчиликни ташкил қилади ва улар бошқалар томонидан яратилган ва бирон-бир тарзда амалга оширилган стратегемаларнинг қурбони бўлади, ўзгаларнинг иродасига бўйсўниб умрини ўтказади ва уларнинг идеалларига эргашиб (еталаниб, бошқарилиб) яшашга мажбур бўлади¹.

Стратегемалар тарихи ва назариясининг бугунги кундаги замонавий талқинида бир қанча жиҳатларни кўриш, уларга хос намоён бўлиш хусусиятларини кузатиш мумкин. Бу жиҳатдан, бизнингча, стратегемаларни таҳлил қилишда диалектиканинг умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик категориялари ҳамда улар орасидаги алоқадорлик ва боғлиқлик тамойилларига таяниш муҳим аҳамият касб этади. Негаки, стратегемалар ҳам ушбу категориялар муқоясасига мос равишда алоҳида, яъни шахсий даражада ҳамда ижтимоий ва умумижтимоий, яъни миллий ва умумбашарий миқёс билан тавсифланадиган даражаларда намоён бўлади. Стратегемаларнинг шахсий ва ижтимоий, яъни умумий, хусусий ва алоҳида даражаларда намоён

¹ Китайская наука стратегии. Составитель В. В. Малявин. - М.: Белые альвы, 1999; 73-с.

бўлиши ҳамда улар орасидаги алоқадорлик ва боғлиқлик масаласига, бу соҳадаги Ғарб тадқиқотчилари Х.Ф.Зингер ва Р.Грин ҳам, мамлакатимизда шу ҳақда дастлабки маълумотларни чоп этган В.Алимасов ва Д.Қодировлар ҳам муайян даражада эътибор қаратишган. Уларнинг асарларини таҳлил қилиш, гарчанд ушбу олимларнинг мақсади мавзунинг мазкур жиҳатини махсус ва кенг таҳлил қилиш бўлмаса-да, аммо уларнинг ҳар бири масаланинг бу жиҳатини назардан қочирмаганидан далолат беради.

Мамлакатимизда бевосита стратегемалар мавзусига бағишланган ниҳоятда кам сонли асарлардан бири Давронбек Қодировнинг “36 хитой стратегемаси: ҳарбий ҳийлалар ва иқтисодий муваффақият сирлари” номли илмий рисола сирларидир. Мазкур рисолада машҳур 36 хитой стратегемалари ҳақида маълумотлар берилган, уларнинг мазмуни бу ҳақдаги китобларда қайд этилган тарихий воқеалар ва изоҳлар ёрдамида баён қилинган. Унда муаллиф “Шарқда, хусусан Хитойда, жанг майдонидаги ғалаба ва муваффақият донишмандлиги сирлари 2500 йил аввал 36 стратегема кўринишида баён қилинган. Шунингдек, “аждаҳо” ва “йўлбарс” саналган ҳозирги Шарқий Осиё мамлакатларининг ушбу стратегиялардан иқтисодий ҳақда ҳамда замонавий бизнесда фойдаланиш йўллари, рақобатдаги ҳийлалар очиб берилган. Ушбу илмий рисола фалсафа, миллий стратегия тарихи, назарияси ва тарғиботи технологиялари, маркетинг ва менежмент асослари, психология, тарих, чақириққача ҳарбий таълим фанларида кўшимча адабиёт сифатида фойдаланиш, шунингдек, стратегия ва манипуляция масалалари билан қизиқувчиларга, тадбиркорларга, раҳбарларга, умуман кенг китобхон мухлислар учун мўлжалланган” нини алоҳида таъкидлаган.¹

Инсоният тарихи хилма-хил стратегия ва мафкураларнинг вужудга келиши, амалиёти, бир-бири билан муносабатидан иборат узлуксиз жараён дур. Бу жараёнда турли стратегиялар ёки кучларга хизмат қилиши, ўзига ишонган кишиларни қандай мақсадлар томон етаклашига қараб бир-биридан фаркланади. Бу эса, ўз навбатида, стратегиявий жараёнлар тарихини ўрганиш, улар замиридаги мазмун-моҳиятни билиб олишни заруратга айлантиради. Стратегемаларнинг нафақат шахсий даражада намоён бўлиш хусусиятлари, балки уларга хос умумий жиҳатларнинг муҳимлиги бу борадаги тадқиқотлар ва уларнинг натижаларига бўлган қизиқишнинг ортиб бораётгани билан боғлиқ ва бу асло тасодиф эмас. Негаки, Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам, дастлаб шахсий даражада ишлаб чиқилган ёки шу даражада намоён бўладиган стратегемалар, миллат ва давлат миқёсида ишлаб чиқиладиган кўплаб стратегиялар ва дастурлар учун асос бўлгани ва бўлаётгани асло сир эмас. Аввало, таъкидлаш жоизки, инсон ҳаёти ва жамият тараққиётида турли-туман стратегияларнинг ўрни ва аҳамияти, бу борадаги умумийлик, хусусийлик ва алоҳидаликнинг муқоясаси мавзуси ниҳоятда муҳим фалсафий масаладур. Негаки, инсон ва жамият муайян стратегияларни

¹ Қодиров Д. “36 Хитой стратегемаси: ҳарбий ҳийлалар ва иқтисодий муваффақият сирлари”. – Бухоро, БухДУ, 2016. 2-б.

яратади, улардан куч-қувват олади. Ўзи яратган стратегиялар инсоннинг онги ва шуурини, тафаккури ва эътиқодини эгаллаб, унинг соҳибига айланади. Юксак идеаллар сари йўналган стратегиялар одамларни олижаноб мақсадлар сари, жамиятни эзгу амаллар томон етаклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони асосида сўнгги йилларда жамиятимизда демократик ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш борасида эришилган ютуқ ва натижалар таҳлили ана шундан далолат беради. Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш соҳасида асосий эътибор марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиёти асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратиш бўйича долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилгани бежиз эмас. Бу жиҳатдан, мустақиллик даврида мазкур соҳаларда эришилган улкан ютуқ ва натижаларни сарҳисоб қилиб, шу билан бирга, глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда дунёда юз бераётган ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолаш, ҳаёт талабларига жавоб бериш, давр билан ҳамқадам бўлиш, истиқболдаги устувор вазифаларни аниқ-тиниқ белгилаб олиш ва уларни амалга ошириш бўйича изчил чораларни кўриш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертациянинг **“Мамлакатимизни тараққий эттиришнинг Ҳаракатлар стратегияси - “Стратегемалар назарияси”нинг миллий даражада намоён бўлиш усули»** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегияси – замонавий стратегемалар назариясининг миллий даражадаги ифодаси эканлиги фалсафий нуқтаи назардан асосланиб, Ҳаракатлар стратегияси асосидаги янги стратегемалар тизими шаклланишининг ҳуқуқий асослари очиқ берилган.

Тарих сабоқларига кўра, ҳар бир жамият тарихида шундай бурилиш давлар бўладик, унда тараққиёт йўлидан бораётган халқлар тақдири учун дориломон ва муайян ривожланиш босқичига хос устувор тамойиллар ҳамда долзарб вазифаларни аниқлаш ҳаётий эҳтиёжга айланади. Бугунги давр худди ана шундай миллий давлатчилигини тиклаб, мустақил ривожланиш йўлидан бораётган халқимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи учун зарур бўлган Ҳаракатлар стратегияси белгилаб олинган, ушбу жараённинг маънавий таянчларидан бири бўлган янги стратегемалар тизими шаклланиши ва мустаҳкамланиши учун кенг имкониятлар очилган даврдир. Бу жиҳатдан, ҳозирги даврда кенг тарқалаётган ва аҳоли онгига сингиб бораётган “Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир”, “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Одилона қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат

қуришнинг гаровидир”, “Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак”, деган концептуал стратегемаларни амалга оширишга қаратилган ислохотлар таҳлили муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт стратегиясида намоён бўлган ва истиқлолнинг дастлабки йилларига доир мақсадлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор кўпдан-кўп сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий вазибаларни амалга оширишни тақозо этарди. Миллий стратегия халқимизни ана шу мақсад атрофида бирлаштириб, улуг ишларга сафарбар этадиган бизга таянч ва кўмак бўладиган маънавий мезон бўлиши лозим эди. Мустақиллик йилларида шаклланиш йўлига кирган янги даврга хос миллий стратегия халқимизнинг асрий анъана ва қадриятларини, миллий ўзлигимизни ўзида мужассамлаштириши, уларни умуминсоний қадриятлар, дунё цивилизацияси ютуқлари билан бойитишга хизмат қилиши давр талабидир. Шу билан бирга, мустақил тараққиётга мос миллий стратегия кўп мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётини жорий қилиш орқали юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби қафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлашнинг халқимиз иродаси билан танлаб олинган ва ўзимизга мос ривожланиш бу ижтимоий ларзаларсиз, инқилобий сакрашларсиз, тадрижий тарзда олға боришни тақозо этадиган йўлидир. Ушбу стратегия ана шу йўлда фуқароларни бирлаштиради, яқдил ва ҳамфикр бўлишларига хизмат қилади. Жамият тараққиётининг устувор йўналишларини қатъий белгилаб олиб, асосий куч ва имкониятларни бир жойга тўплаб, аввало ана шу устувор йўналишлар бойича тараққиётни таъминлаш, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш орқали бозор муносабатларига асосланган демократик одил жамият барпо этиш унинг маъно-мазмунини ташкил этади.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида шаклланган миллий тараққиёт стратегияси амалиётида юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашишда муҳим ўрин эгаллайди. Бу кўп миллатли мамлакатимиз фуқаролари орасида, уларнинг миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, ҳамжиҳатлик ва биродарлик туйғуларини кучайтириш, «Шу азиз ватан барчамизники» стратегик шиорининг амалга ошишини таъминлаш демакдир. Бу борада мамлакатимизни янгилаш ва ривожлантиришда умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини асраб авайлаш ва янада такомиллаштириш, ислохотлар жараёнида ҳар бир инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши каби тамойилларга таянилиши ўша давр учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Агар халқимизнинг миллий давлатчиликни тиклаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, ва малакатимиз танлаб олган тараққиёт моделини амалга ошириш жараёни қандай шароитда кечгани ҳақидаги яхлит ва жиддий таҳлилий тадқиқотлар камлигини инобатга оладиган бўлсак, бу Ҳаракат

стратегиясининг ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан қанчалик катта аҳамиятга эга экани янада яққол аён бўлади. Ушбу ҳужжат истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда янги давлат ва жамият барпо этиш йўлида қандай амалий чора-тадбирлар амалга оширилгани, бу серқирра жараённинг илмий-тарихий, мантиқий ва қонуний замини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий омиллари, ҳар бир тараққиёт босқичининг ўзига хос хусусиятлари – буларнинг барчасини ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб беришга қаратилган илмий хулоса ва таҳлиллар бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини яна бир бор тасдиқлади.

Шу маънода, мазкур тарихий ҳужжатни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда акс этган стратегия ва тушунчаларни аҳолининг барча қатламлари қалби ва онгига сингдириш муҳим вазифага айланди. Бунда аввало, бутун мамлакат миқёсида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айни пайтда давлат ва жамият бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш ҳам ана шу соҳадаги устивор вазифалардан бирига айланди.

Ўз навбатида, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш каби йўналишлар ушбу ислоҳотлар жараёнининг таркибий қисми сифатида қаралмоқда. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясидаги тарихий нутқида алоҳида таъкидланган “Бизнинг мақсадимиз – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат” – деган фикри айни ҳаёт ҳақиқатини ифодалайди ва Ҳаракатлар стратегиясининг мазкур соҳадаги амалиётининг моҳиятини яққол кўрсатади.

Бугунги кунда шаклланган Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт стратегияси Республикамизнинг суверен давлат сифатида истиқлолга эришиши ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб бориши жараёнида шаклланди. Истиқлолнинг илк давриданоқ шакллана бошлаган ушбу стратегия “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон, унинг бахт-саодати ва манфаатлари учун!”, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамият сари” каби тамойилларга асослангани маълум. Ушбу стратегия демократик давлат барпо этиш, фуқаролик институтларини шакллантириш ва уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, кўп мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётини жорий қилиш, барча учун муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш жараёнини турли ижтимоий ларзаларсиз, инқилобий сакрашларсиз, тадрижий тарзда олға боришга имкон яратди. Бу борада мазкур стратегия учун асос бўлган замонавий стратегемалар назариясининг намоён бўлишидаги умумийлик, хусусийлик ва

алоҳидалик диалектикасининг миллий даражада амалга ошишини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Унда ўзига хос тарзда намоён бўлган мақсад-муддаолар жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор кўпдан-кўп сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий вазифаларни амалга оширишга ёрдам берди. Айти пайтда у халқимизни ана шу мақсад атрофида бирлаштириб, унга таянч ва кўмак бўладиган маънавий мезон вазифасини ҳам бажарди, дейиш учун барча асослар бор.

Ҳозирги шароитда мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг асосини “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Одилона қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир” каби стратегемалар ташкил қилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ушбу стратегемаларни ҳаётга самарали жорий этиш борасидаги фаолият мезонлари белгилаб берилган.¹

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ислохотлар туфайли, бу борадаги янгиланишларнинг ҳуқуқий асослари тобора чуқурлашиб ва кенгайиб бормоқда. Бу борада Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясидаги тарихий нутқида алоҳида таъкидланган “Бизнинг мақсадимиз – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат” деган фикри айти ҳаёт ҳақиқатини ифодалайди.²

Диссертациянинг учинчи боби «**Стратегемалар назариясини Ўзбекистонда қўллаш амалиётининг самарасини ошириш йўллари ва имкониятлари**» деб номланади. Унда ислохотлар жараёнида иқтисодий ва ижтимоий соҳа стратегемалари тизимининг янгиланиши ва маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар жараёнида миллий стратегемалар тизимининг такомиллашиши ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашда стретегемалар омилидан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги даврида стратегик ривожланиш билан боғлиқ йўналишлар орасида иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар ва инсон манфаатлари устиворлигини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатга доир ислохотларни амалга ошириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги фаолиятнинг асосий йўналишлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва у билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида қуйидагича ўз аксини топган: иқтисодиётни янада ривожлантириш ва

¹ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. -Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

² Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясидаги нутқи. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш; ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.¹ Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг барча йўналишлари қатори, иқтисодий-ижтимоий соҳадаги янгиланиш тамойилларини ҳаётга самарали тадбиқ этиш учун зарур шарт-шароитлар шакллантиришга алоҳида аҳмият қаратилди. Бу соҳадаги асосий стратегеманинг мазминини Шавкат Мирзиёевнинг “Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак” деган иборасида ўз аксини топган.

Замонавий стратегемалар назариясининг истиқлол давридаги юртимизга хос хусусиятларининг такомиллашиши билан боғлиқ натижаларни англашда ўтган йиллар мобайнида рўй берган маънавий янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусияти ва ривожланиш босқичлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилган туб ислохотларнинг аҳамиятини яққол тасаввур қилиш муҳим ўринни эгаллайди. Бу эса ўз навбатида, ушбу жабҳадаги ривожланиш стратегиясининг шу йиллар давомидаги одимларини аниқ билиб олиш ва тўла-тўқис англаш имконини беради.

Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатларнинг 2020 йилгача мўлжалланган кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини ижро этиш бўйича чоратадбирлар режасини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ШХТ учун транспорт коммуникацияларини ривожлантириш

¹ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. -Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

